

**ХАЛҚАРО ВЕБ-ФОРУМ РЕЗОЛЮЦИЯСИ:
“БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ: ПАНДЕМИЯ
ДАВРИДАГИ ДОЛЗАРБЛИК, БАРДАВОМЛИК ВА
ИННОВАЦИЯЛАР”**

COVID-19 пандемияси глобал инқирозни келтириб чиқариши, ўнлаб миллион одамларнинг соғлигига ва фаровон турмушига ҳалокатли таъсир ўтказиши, мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига салбий таъсир қилиши оқибатида жаҳон миқёсида рецессияни келтириб чиқарди, экспертларнинг баҳолашича, миллионлаб оилаларни камбағаллаштиришга олиб келади.

COVID-19 коронавируси пандемияси таълим тизимида тарихдаги энг катта тўхталишга олиб келди ва 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартиби мақсадларининг амалга оширишни хавф остига қўйди. Экспертларнинг фикрига кўра, имконияти чекланган болалар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари ва қишлоқ жойларидаги болалар бошқаларга нисбатан энг кўп зарар кўришлари эҳтимоли мавжуд.

COVID-19 пандемияси билан боғлиқ беқарор даврда узлуксиз таълимни таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки бу болалар ва ёшларда келажакка бўлган ишонч ҳиссини шакллантирибгина қолмасдан, балки болаларнинг соғлиғини сақлаш ва уларнинг руҳий-ижтимоий фаровонлигини мустаҳкамлаш, пандемия шароитида мактаблар фаолияти хавфсизлигини ҳамда таълимнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Жаҳон мамлакатларининг ҳукуматлари инқирозга қарши таълим соҳасида мослашувчан, изчил, самарали ва адолатли чораларни ишлаб чиқиш ҳамда кўплаб болалар, шу жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар дуч келаётган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар.

Жаҳон мамлакатлари томонидан глобал миқёсда қабул қилинаётган кечиктириб бўлмайдиган ёки қисқа муддатли стратегиялар масофавий ўқитиш оқали таълим олиш

узлуксизлигини таъминлаш ва болалар ўртасида санитар-гигиеник одатларини тарғиб қилишдан иборат.

“Zamin” Халқаро жамоат фонди БМТ ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда таълим соҳаси дуч келган муаммоларни, шунингдек, инновацион муқобил таълим дастурларини жорий этишнинг долзарблиги ва мақсадга мувофиқлигини муҳокама қилиш мақсадида 2020 йилнинг 19 ноябрь куни “Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи: пандемия давридаги долзарблик, бардавомлик ва инновациялар” мавзусида Халқаро веб-форумни ўтказди.

Форумда БМТ ва унинг тузилмалари раҳбарлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, давлат органлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, дипломатик корпус, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда кенг илмий-педагогик доиралар вакиллари иштирок этди.

Ушбу резолюция веб-форумда муҳокама қилинган ва муҳокамалар натижасида қабул қилинган қарорларни акс эттиради.

Биз, веб-форум иштирокчилари,

2020 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилганлигининг 75 йиллигини, 20 ноябрь куни Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг 31 йиллигини, шунингдек Халқаро болалар кунини нишонлаймиз. Болаларга уларнинг ҳуқуқлари, хусусан, таълим олиш ҳуқуқи ва бу ҳуқуқларни амалга ошириш учун барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солиш тўғрисида берган ваъдамизни такрорлаш вақти келди:

(а) таъминлаш: болаларни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, таълим ҳамда шу каби қулайлик ва хизматлардан самарали фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

(б) ҳимоя қилиш: зўравонлик, шу жумладан, жисмоний, руҳий, психологик ва шахвоний зўравонликдан, болалар савдоси, уларнинг қуролли можароларда иштирок этишидан ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

(с) иштирок этиш: болаларни уларнинг бутун ҳаётига алоқадор бўлган қарорлар қабул қилиш жараёнига фаол жалб қилиш ва бунда болаларнинг ҳам қатнашишига кенг имконият яратиш.

- БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларинининг тўртинчи мақсади: “Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш”ни амалга оширилишига содиқлигимизни тасдиқлаб;

- болаларнинг инсоният келажагидаги муҳим ўрнини ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш учун махсус ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлаб;

- пандемия шароитида болалар олдида турган муаммоларни тан олиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги нормаларда болаларнинг ҳуқуқлари ҳаммабоп, бўлинмас, ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирада ва мустақкамлайди деб уқтирилишини ҳамда инсоннинг барча ҳуқуқларига адолат билан, тенг тарзда, бир хил ва ана шундай эътибор билан қараш кераклигини таъкидлаймиз;

- БМТнинг Бола ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясига мурожаат қилиб, болалар ёши кичиклиги сабабли ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ижтимоий қийинчиликларга дуч келаётганларини ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишда турли бўшлиқлар мавжудлигини тан олиб;

- БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари бўйича чоралар кўришга чақириғига, шунингдек “Биз хоҳлайдиган келажак, биз учун зарур бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти: кўптомонлама ҳамкорликка ўз содиқлигимизни тасдиқлаш” ташаббусига эътибор қаратиб;

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг мақсадлари ва тамойилларига содиқ ҳолда дунё дуч келаётган соғлиқ, хавфсизлик ва инсон фаровонлигига таҳдиднинг бундай глобал хусусиятини чуқур хавотир билан англаб, кўптомонлама халқаро ҳамкорликни мустақкамлашга, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишни эътироф этиб;

- Барча томонларни Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияга биноан болаларнинг ҳуқуқларини шакллантириш ва рағбатлантириш орқали болалар дуч келадиган аниқ муаммоларни ҳал қилиш учун ҳамкорликда фаол ишлашга чақириб;

- Пандемия шароитида барча мамлакатлар ўртасида таълим сиёсатини мувофиқлаштириш, илғор тажрибаларни алмашиш, манфаатдор томонлар доирасини кенгайтириш ва

ўзаро сиёсатнинг устувор йўналишлари бўйича ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга чақириб,

Иштирок этувчи мамлакатлар ва муассасаларга ЮНЕСКО-ЮНИСЕФ-Жаҳон банки, БМТнинг Жаҳон озиқ овқат дастури – БМТнинг Қочқинлар иши бўйича Олий Комиссар Бошқармасининг мактаблар фаолиятини тиклаш бўйича Ҳадли дастурини амалга ошириш ва эътиборни қуйидагиларга қаратиш тавсия этилади:

а) Мактабларнинг хавфсиз ишлаши: мактаб таълимини яхшилаш учун мактабларнинг хавфсиз ишлашига, шу жумладан масофада туриб ўқитиш амалиётини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берган ҳолда ниҳоятда муҳим дастур, тартиб ва молиялаштириш режаларини ишлаб чиқиш;

б) Таълимнинг узлуксизлиги: таълим бўшлиқларини, мактабларга айниқса ночор гуруҳлар томонидан қатнамасликларининг олдини олиш, ўқитувчилар касбини ва ўқитувчилар тайёрлашни қўллаб-қувватлаш; Интернетга уланишдаги тўсиқларни бартараф этиш ҳамда таълим ва ўқитишнинг турли даражалари ўртасида ўзаро алоқа ва эгилувчанликни мустаҳкамлаш;

в) Таълим тизими барқарорлигини ошириш ҳамда тенглик ва инклюзивликка таяниб адолатли ва барқарор ривожланишни таъминлаш орқали энг маргиналлашганларни қамраб олиш: таълим тизимининг барча босқичларида хавф-хатарларни бошқаришда тегишли идораларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш; кучли раҳбарлик ва мувофиқлаштиришни таъминлаш; ҳамда маслаҳатлашувлар ва алоқа механизмларини такомиллаштириш;

д) Фаровонлик ва ҳимоя: вирус узатилишини камайтириш орқали ва мактаблар очилишини сичиклаб режалаштириш, хавфсиз мактаб муҳитини таъминлаш, инклюзив очилишини режалаштириш, барча манфаатдор томонларнинг фикрларини ҳисобга олиш; ҳал қилувчи иштирокчилар – соғлиқни сақлаш ва таълим секторлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш;

е) Болаларни юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш ва уларни соғлиқни сақлаш ҳамда таълимни қадрлашга ўргатиш соҳасидаги тегишли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

f) Таълим муассасаларининг салоҳиятини мустаҳкамлаш зарурлигини инобатга олган ҳолда пандемияга узоқ муддатли тайёргарликни, жавоб бериш ва тикланишни режалаштириш;

g) Молиялаштириш: ички захираларни сафарбар қилишни кучайтириш ҳисобига таълим секторини молиялаштиришни таъминлашни мувофиқлаштириш, таълим секторининг устуворлигини сақлаб қолиш ва самарасизлик муаммосини ҳал этиш ва таълим секторини ривожланишини расмий қўллаб-қувватлашни ҳимоя қилиш.

Ҳар қандай вазиятда болаларни ўқитишни давом эттириш учун имкониятларни ишга солиш учун зарур эътибор қаратиш тавсия қилинади.

Шу муносабат билан қуйидагилар амалга оширилаётганлигига ишонч ҳосил қилиниши керак:

a) мактаб ёшидаги болаларни ахборот технологиялардан, Интернет, телевидение ва онлайн таълимдан кенг фойдаланиш билан тўлиқ қамраб олган ҳолда мактабларни очиш, аралаш ва масофадан ўқитишни ташкил этиш;

b) инклюзив таълимни қўллаб-қувватлаган ҳолда ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган болаларнинг таълим эҳтиёжларини қондириш;

c) таълим муассасаларида санитария-эпидемиология талабларга мувофиқ хавфсиз таълим шароитларини таъминлаш;

Биз - “Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи: пандемия давридаги долзарблик, бардавомлик ва инновациялар” халқаро веб-форуми иштирокчилари болаларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда амалга оширишда халқаро ташкилотлар, миллий ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ролини таъкидлаймиз.

Ушбу орқали Биз эҳтиёжманд мамлакатларга, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олган ҳолда, самарали сиёсий, молиявий ва техник кўмак бериш ва мунтазам равишда бола ҳуқуқлари бўйича халқаро форум ўтказиб бориш учун таълим оҳасида глобал ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олдик.

**Резолюция Тошкент шаҳрида қабул қилинди
(видеоконференция шаклида)**

2020 йил 19 ноябрь

